## Ўзбекистон Қаҳрамонлари

### ОЧЕРК

# БИЗДАН МЕҲНАТНИ СЎРАНГ...

**— деди Жонсаид Турдиев узоқларга тикилганча жим туриб, қаҳрамонлик билан қутлаб, ибратли ишларидан сўз очганимизда, миннатдорчилик билдириб**

Ташқаридан қараганда чархпалакдек бир маромда айланадиган, доим етмиш беш, бир юз ўн тонналик юк машиналарига портлатиб, майдаланган тоғ жинсларини экскаваторда ортиб бериш билан банд бўлган азаматнинг меҳнати равшандек — оғир, сермашаққат иш, яна нима дейиш мумкин.

Чуқур дарё сокин оқади, дейди халқимиз. Вазмин, камгап йигитнинг икки оғиз гапириб, жим-жим ўтиришида катта маъно борлиги тайин эди.

— Хўп десангиз, ўша ишлайдиган Қолмақир конингизни бир бориб кўриб келсак-да, кейин суҳбатимизни давом эттирсак.

Жонсаиднинг уйқу босган кўзлари чарақлаб, уюша бошлаган бадани ёзилиб, яйраб, беихтиёр дик этиб ўрнидан туриб кетди. Унинг бу гулгун ҳолатида сокин тоғлар оралаб етти минг беш юз метр чуқурликка тушиб кетган конга қанот боғлаб учишга ҳозирлигини кузатиб, дарҳол пайқаб олиш қийин бўлган сирли бир фидойиликни ҳис этаман.

— Кетдик, ўзим ҳам соғинганман! — у жавобимизни ҳам кутмай эшикка қараб юрди.

Даврада ўтирган Олмалиқ шаҳар ҳокимининг ўринбосари Манзурахон Мавлонова билан камина йўлга чиқдик. Кенг, равон, озода Амир Темур шоҳ кўчасидан борар эканмиз Жонсаиднинг сўзини эслайман: «Мукофот, аввало, ҳурматли Президентимиз Ислом ака Каримовнинг назарлари тушган шаҳримизнинг меҳнаткашлариники, Олмалиқнинг меҳнатда топган обрўсидан, қудратидан...».

Чиндан ҳам шаҳар янгиланиш, туб ислоҳотлар, ўзгаришлар даври синовларидан муваффақиятли ўтиб, мустақилликни мустаҳкамлашга астойдил хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда навқирон мўъжаз шаҳар ҳудудида 650 тадан ортиқ корхона, ташкилот, муассаса фаолият кўрсатмоқда. 1998 йилнинг январь-август ойларининг ўзида биргина саноат маҳсулотининг умумий ҳажми 18951 миллион сўмни ташкил этди. Ўтган йилнинг шу муддатига нисбатан 1382,7 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми шу зайлда ҳар йили ўсиб бормоқда. Тағин қандай маҳсулот денг, дунё миқёсида ноёб олтин, мис, рух, қўрғошин, молибден, турли қурилиш материаллари каби экспортбоп, давлатимиз қаддини ростлайдиган, хазинасини бойитадиганлари. Шаҳар ўтган саккиз ойда республика бюджетига солиқ бўйича 2902,6 миллион сўм туширган. Айтаверса, ҳамма соҳада арзигулик гаплар бор.

Кўчанинг икки қанотидаги серҳашам, Ўзбекистон меъморий анъаналарига мос, кўп қаватли, ойнавандли уй-жой, маданий-маиший хизмат, маъмурий биноларни томоша қилиб борар эканмиз, кўнгилдан ўтади: «Даромадга қараб буромад-да, ободончилик, қурилишлар ҳам тобида. Унинг миқёслари режаларда яна ҳам бекиёс».

— Янги маҳаллалар, обод масканлар, хиёбонлар, кенг кўчалар барпо этилиши билан шаҳримиз кўркига кўрк, файзига-файз қўшилмоқда, — деди Манзурахон худди ўйларимни уққандек. Қатор бунёдкорлик рақамларини санаб берди.

Олмалиқнинг мамлакатимиз шаҳарлари орасида мавқеи йил сайин ортиб бормоқда. Президентимиз, ҳукуматимизнинг шунга яраша эътибори, рағбати шаҳар меҳнаткашларининг янада ғайрат билан ишлашга, довонлардан довонларга ошишга чорламоқда. Режалар ошириб адо этилмоқда. Қирқдан ортиқ миллат вакилларининг аҳил, бир-бирлари билан пайванд, баҳамжиҳат умргузаронлик қилаётганликлари олмалиқликларнинг баракали меҳнатига асос бўлмоқда. Санайверса дарғаликнинг илдизлари мўл. Худо берган беназир ер ости маъданларининг беададлиги-ю, уларни ишга солиб, юзага чиқараётган билимдон, тадбиркор, ишбилармон, йирик Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг сардори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Виталий Николаевич Сигедин, шаҳар ҳокими Юрий Николаевич Беланов, Жонсаид Турдиев сингари оддий ишчи, деҳқон, хизматчи, зиёлиларнинг, толмас меҳнаткашларнинг, ташкилотчиларнинг борлигидир.

Жонсаиддан сўрайман:

— Бир кун кечаси, бошқа куни кундузи 12 соатдан пайдар-пай ишлар экансизлар, орада икки кун дам, дарров соғиндингизми ишингизни?

— Таътилда эдим. Эртадан ишга тушаман... Соғинганим рост. Сиз буни айтасиз, баъзан дўст-биродарлар у ёқ, бу ёққа бир-икки кунга таклиф қилиб қолишади. Ишдан айро боролмаслигимни айтсам, мени тушунишмайди, сал қизишиб, астойдил ўпкалаб қолишади, ҳа деб экскаваторда ўтираверишдан зерикмайсанми, дейишади...

Мақтаниш бўлмасин, дедими, қайдам, яна жим қолди.

— Неча йилдан бери шу касбдасиз? — сўрайман гапни давом эттириш учун.

— Йигирма икки йилдан буён, узлуксиз, — яна сукут.

— 44 га кирган бўлсангиз, умрингизнинг ярми шу ишда ўтибдида?

Жонсаид бу гал бош қимирлатиб, тасдиқлаб қўяқолди.

Касбдошлари, яқинларининг Жонсаидга берган баҳоларини, таърифларини кўнгилдан ўтказиб, ўзимча хулоса чиқараман. «Камгап бўлгани билан мияси тўла фикр, ақлли йигит». «Жуда одампарвар, жигарпарвар, ўзидан кечиб бўлса ҳам, бировларни кўнглини олишни, яхшилик, ёрдам қилишни ёқтиради», «Ўзгаларга танбеҳ беришдан, иш буюришдан кўра, ўзи қилиб қўяқолишни афзал кўради, мана буни қилмабсан, мен қилдим, деб юзига солишни хаёлига ҳам келтирмайди».- Хуллас, ишда ҳам, турмушда ҳам савоб қидириб, одамларни оғирини енгил қилиб юради. Ёшлигидан шундай дейишди.

Ўспиринлик йиллари. Олмалиқ шаҳри яқинидаги Тяньшан тоғлари ёнбағрида жойлашган кичик қишлоқда яшашаркан. Отаси — Турдивой ака чўпонлик қиларкан. Онаси — Каромат опа уй бекаси. Оилада саккиз ўғил бўлишган. Жонсаид учинчи фарзанд экан. Тўққизинчи синфга ўтганда акаси Тошкентга бориб, юристликка ўқимоқчи бўлипти. «Сен кетиб қолсанг, бизга ким қарашади?» деган гап чиқибди. Жонсаид қараса ҳамма жиммиш. Шунда отилиб чиқиб «мен» депти, «Акам ўқисин! Тўққизни кечкига кўчираман, кундузи ишлайман». Меҳрибон, оқибатли, ҳимматли ука шу зайл тўққизинчи синфни тамомлабди, аскарлик бурчини ўтаб, Қолмақир кони экскаватор машинистига ёрдамчи-шогирд бўлиб иш бошлаганча келаркан. Олий маълумотли юрист бўлган акаси ҳамон ундан миннатдор.

Қолмақир конига келиб қолиши ҳам ўзининг иродаси. Лойсувоқ уйларидан тоғлар, булут қоплаган нуқра чўққилар кўриниб туради. Жонсаид кўм-кўк майсалар билан қопланган дўнгликда туриб, тоғлар ортидан оламни ёритиб чиқиб келадиган қуёшни соатлаб кузатишни ёқтирарди. Ҳозиргина қоронғуликка бурканган олис тоғ ёнбағрлари дарахтзорлар, қалин ўрмонлар билан қопланади. Жонсаиднинг юраги ўша томонларга талпинар, юксакликларга кўтарилгиси келарди. Бўш бўлди дегунча дараларни айлангани кетарди. Жим-жит тоғлар билан сирлашгиси келарди. Унинг интилишлари бесамар бўлмагандек туюлади. Жуссаси кичик бўлса ҳам ўша соф ҳаволи, кўркам табиат қўйнида соғлом, бақувват, камкўстсиз ўсгани, дурдек оқ бақувват тишларида, ажинсиз қип-қизил юзларида, йўғон билакларида кўриниб турарди. Ишда, ҳаётда Худо берган куч-қуввати, ақл-заковати, қалбида балқиган кўтаринки руҳи билан юлдузлар ичида ўз юлдузини топиб олганини, янада фойдали юмушларга қўл уришга иштиёқ сезаётганини пайқаш қийин эмасди.

Яхшиларга, эзгуликка ҳавас билан яшагани уни юзага олиб чиққан фазилатларидан эканлиги аён эди.

Бой қўшниси тўйда кўпкари берганда, унга мафтун бўлиб қолганини, қанчалар ҳавас қилганини ёдидан чиқармайди. Ўшанда улоқдан қайтган Жонсаид алламаҳалгача ухлолмади. Шон-шуҳратини ошириш мақсадида, мислсиз шов-шувга сабаб бўлган тўйнинг бетакрор улоғи унинг кўз ўнгидан кетмасди. Ўзбекистон қатори Қозоғистон, Қирғизистондан энг кучли чавандозлар келган эди.

Жонсаидга ҳаммасидан ҳам абжир, кучли чавандозларнинг учқур арғумоқларини ўйнатиб пойгага шай туришгани ёқди. Уларнинг олдида ўзини нимжон, кучсиз ҳис этди. Ўшаларга ўхшагиси келди. «Улар йўлбарсдек қудратли, эпчил, кўриниб турипти, ақлли, айёр... Менчи бўш, содда... Лекин, астойдил хоҳласа одам қилган ишни одам қилиши мумкин-ку...» кўнглидан ўтказди. «Ахир, булар ҳам бирдан шундай бўлиб қолишмаган-ку! Ҳа, Жонсаид, юрагида ўти бор йигит ўзига, кучига, имкониятига ишониши, таяниши керак. Чумолидек кучсиз, митти бир жонивор тиришиб-тиришиб минорага чиқади-ку! Меҳнатдан қочма! Кураш, ҳаракат қил!». Ўша куни бахши айтиб берган «Алпомиш» достонини эслади. Аждарҳоларни, қанчадан-қанча ёвузларни енгиб ўтган Бунёдларни кўз ўнгига келтирди.

Тонг билан туриб, ювиниб-тараниб, Худодан мадад сўраб шофёрлар тайёрлайдиган ўқишга борди. Тиришиб-тирмашиб ҳайдовчи бўлди. «Ўша Алпомишлар, ўша чавандозлар ҳам сенга ўхшаган инсон-ку. Бўш келма!». Ўзига-ўзи уқдириб, Олмалиқ тоғ металлургия комбинатининг Қолмақир кони идорасига йўл олди. Бошқарувчилик гувоҳномасини кўрсатиб, экскаватор машинисти бўлмоқчилигини айтди.

— Экскаваторни кўрганмисан ўзинг, — деб кулишди баъзилар, ўриндиғини ўзида кўринмай, йўқ бўлиб кетасан-ку, қандай қилиб бошқарасан...

— Эпини қилса бўлади! — аҳдида маҳкам туриб олди. Охири ниятига етди, экскаватор машинистига ёрдамчи-шогирд қилиб олишди.

— Бирон киши маслаҳат берганми, шу ишга боргин деб? Ёки қариндош-уруғларда бўлганми?

— Дунёда бировга суянишдан ёмон нарса йўқ! — деди у саволимни ўзича тушиниб. — Ўшанда ҳам, ҳозир ҳам фикрим шу, — бировга суяниш, бировнинг сўзи билан иш қилиш — одамдаги бор имкониятни, қобилиятни бир чеккага суриб чиқаради, жар ёқасига олиб бориб қўяди. Бундан Оллоҳни ўзи асрасин.

Ҳаётда Жонсаид сингари туғма кучли инсонлар учраб туради. Уларнинг туғмалиги: бўлар-бўлмасга асабийлашмасдан, ўзини оғир-вазмин тутиб, кўрганларидан, эшитганларидан ўзларига хулоса чиқариб, ўзларига ишониб, тик, залворли қадам ташлаб юришларидан ҳам сезилиб туради. Бундай одамлар бировга таяниб қолса ютқазади. Ўша тўйдаги каби, одамларни воқеаларни синчковлик билан кузатиб, фойдали томонини ўрганиб, ўқимаса ҳам уқиб, керагини қўллаб ютади, иши униб кетаверади.

Одам дегани ўрганилмаган, ўрганиб охирига етиб бўлмайдиган сирли дунёдир. Жонсаид қаҳрамонликни олгач, сезгир юрагида ҳали маълум бўлмаган куч пайдо бўлганини айтди.

— Ишимиз оғир, тўғри. Ҳалол меҳнатим эвазига бахт менга кулиб боққаниданми, шу ишга яна ҳам шўнғиб кетгим келяпти... Унинг бутун вужудида жиловлаб бўлмас ғайри-табиий ғайрат жўш уриб қайнайди, қувватига таъриф йўқ. Кучгагина ишониб ҳунар, иш қилиб бўлмайди, — дейди Жонсаид. — Энг аввало, куч, имконият етарли бўлса ҳам, совуққон бўлган яхши, билакс ҳаяжонланса, кайфиятга берилса тез зерикади, чарчайди одам. Кейин тадбирли, ишни кўзини билиш жуда керак. Айтайлик, кунни узоқлигини, чарчаб қолиш мумкинлигини ўйлаб, юк ортадиган машина келгунча пастга — ерга тушиб, ўт-ўланлар билан «суҳбат» қуриб чиққан маъқул... Хуллас, ишлайвериб пишиб кетганмиз. Бўш кунни қандай кеч қилишни, бошни қаёққа уришни билмай қоламиз.

Экскаваторини «Дулдур» деб атаб олган Жонсаид, уни сменачилари Валерий Шукин билан Валерий Тужиковдан бошқа одамга ишонмайди. Бригада бошлиғи Владимир Киселевнинг таърифича, ўзига ҳам, жўраларига ҳам ҳаддан ташқари талабчан. Иш бошлашдан аввал барвақт келиб, экскаваторни шошмай кўздан кечириб, ҳамма қисмларини, мойларини, тозалигини кўздан ўтказади, кетишда шеригига ораста қилиб топширади. Раҳматли отаси «Иш қуроли сознинг — ташвиши оз, меҳнат унуми зиёд бўлади» деб қулоғига қуйган экан.

— Жонсаид Турдиевдек экскаваторчи бўлиб ишлайдиган азаматлар, сон жиҳатидан олсак икки юздан ошади, — дейди Қолмақир кони техник ишлаб чиқариш бўлими бошлиғининг муовини Мулларайим Назиров, — укамиз марказий қисмида ишлайди, қирқ экскаваторчининг бири. Ҳозир Ижорскда чиққан «ЭКГ-10» экскаваторини бошқаради. Чўмичи бир олганда йигирма тонна тошни кўтаради, «БелАЗ» машинасини тўрт марта ортганда тўлдириб беради. Бир сменада 18 марта машина қатнайди. Шу йилнинг биргина август ойида 65 минг тонна юк ортиб, режасини 101 фоизга бажарган. Саккиз ойлик режасини 107 фоиз ёки 735 минг тонна қилиб адо этган.

— Ишқилиб, Жонсаиднинг экскаватори ёнида машина юкни кутиб туриб қолганини кўрган эмасмиз. Шундан бўлса керак, машина ҳайдовчилари у билан ҳамкорлик қилишга шошилишади. Бу майли, бошқаларга ҳам қарашиб, ортишиб юборади.

— Инсоф билан айтганда, бунга эришиш осон эмас, — деб қўшиб қўйди бош муҳандис Турғун Бўрибоев. — Негаки, портлатиш пайтида тош бирдай чўмичбоп бўлиб майдаланмайди, уни олишда қийин ҳолатлар ҳам учрайди. Бундай пайтда маҳорат билан, ишни кўзини билиб ҳаракат қилинмаса машинанинг бекор туриб қолиши ҳеч гап эмас. Жонсаид портлатувчиларнинг сифатли портлатишларидан бошлаб, парчаланган тошларни жамлаб олишгача бўлган жараёнларга эътибор беради, тинмай ишлаб машина келишига саранжом қилиб қўяди.

Бундан ташқари мойловчи ёғларни, электр қувватини иқтисод қилишга, темир арқонларни, зарур қисмларни эҳтиёт сақлашга аҳамият беради. Хуллас, экскаваторни тежаб-тергаб, бетаъмир, узоқроқ ишлатиш, хомашёнинг арзон тушиши учун курашади. Албатта, иш доим силлиқ кетавермайди, кутилмаганда у ёки бу қисми ишдан чиқиб туради. Жонсаиднинг ибратли томони шундаки, уларни тузатишга кўпинча уста чақириб кутиб ўтирмай, иложи борича ўзи тўғрилаб, ишга тушириб юборади.

— Шундай қилмасак, ўзимизга зиён, — дейди Жонсаид куйиниб, — озгина қийналамиз, озгина ортиқча меҳнат бўлади-ку, оқибат ўзимизга фойда. Иш тўхтаб қолмайди.

— Бошқа ҳамкасбларингиз ҳам шундай қилишадими?

— Бошқаларни билмадимку, бизнинг бригадада шунга ўрганганмиз. Бу сани ишинг, бу мани ишим, деган гап йўқ ўртамизда. Қўлимиздан келган ишни, сансалорсиз қилиб кетаверамиз. Кўз тегмасин, аҳилмиз. Шунга яраша ишимизда ҳам барака бор, унум бор, маош яхши. Агар, биронтамиз «оқ билаклик» қилиб қолсак, юзига айтамиз, аяш йўқ. Ўзингиз биласиз, меҳнат, мусобақа кўнгли бўш одамларни ёқтирмайди. Ҳамкорингга, «рақибинг»га шафқат қилдингми, сени янчиб, ёриб олдинга ўтиб кетади.

— Ҳа, ҳаётнинг азалий қонуни бу! Инсон қанча ҳалол, одил бўлмасин, унинг қонида табиат берган енгиб бўлмас бир ўжарлик бор. Бундай кишига энг яқин дўсти ҳам ноҳақлик қилса, аяб ўтирмайди. Меҳри борнинг, қаҳри ҳам бор, деб беҳуда айтмаганлар донишмандлар.

Жонсаид уйда ҳам ўзига иш топиб, меҳнатга шўнғиб кетаркан. Шундан бўлса керак уй-рўзғорлари ҳам сариштали. Хотини Савринисо билан саломлашиб, озгина суҳбатлашдик. У ширин сўз, хушбичим аёл экан. Эр-хотинда қандайдир ўхшашлик бор.

— Худога шукр, — дейди Савринисо дастурхон четини сийпаб, — ҳалол меҳнатларини, сабрларини меваси тотли бўлди. Саккиз фарзандни тарбиялаб, шу кунларгача етгунча ҳаётни иссиғини ҳам, совуғини ҳам кўрдик. Қишлоқдан келиб, квартирама-квартира кўчиб юрган ташвишли кунларимиз, қумли-шумлини билмай, ҳалолдан, холисдан озми-кўпми топганимизга чидаб ўтказган пайтларимиз ҳам ортда қолди. Нур устига, аъло нур дегандек, дадаси «Ўзбекистон Қаҳрамони» бўлдилар, меҳнатнинг таги роҳат, сабрнинг таги олтин, дегани рост экан. Юртимиз, отамиз Ислом Каримов омон бўлишсин, бир умр дуода бўламиз. Дадамизнинг тани-жонлари соғ бўлсин-у, бундан ҳам яхшироқ ишлаб берсинлар. Бизлар, болалар билан ҳамиша ёнларида мададкор бўлайлик, фахрланиб юрайлик.

Хонадонлардаги тобора фаровонлашиб бораётган турмуш тарзини, барқарорлик ва тинчлик қарор топган мустақил Ўзбекистоннинг, Олмалиқ шаҳри аҳолисига кўрсатилаётган ижтимоий хизматнинг такомиллашишида, ривожланишида ҳам кўрдик.

Қаҳрамонимиз ҳақидаги мухтасар ҳикоямизни тугатар эканмиз, таъкидлагимиз келади: ҳалол, яратувчилик меҳнати, фидойилик сўзсиз ҳам ҳаммага тушунарли, жозибали, мафтункор, киши ҳавасини келтирувчи буюк неъматдир.

**Расул РАҲМОНОВ.**



## «КЎКДАРЁ»ДА ШОЛИ МЎЛ БЎЛДИ



Қўнғирот туманидаги «Кўкдарё» шоличилик ширкатида ҳар йилдагидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Шоликорлар 4695 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 44 центнердан шоли ўриб-янчиб олиб умумий ҳосилдорликни 20 минг 650 тоннага етказишга аҳд қилишган. Суюнбой Ажимуротов, Бўрибой Ешбоев, Тоирбой Назархонов, Тўтия Ўрозбоева, Баҳодир Жуманиёзов каби ўнлаб бригада бошлиқлари ва уларнинг шоликорлари ҳам маррани кўзлаб меҳнат қилаётирлар.

— Шоли ўрими бошланди, — деди ширкат раиси Муротбой Ўрозалиев. — Насиб этса ҳадемай шоли топшириш бўйича шартнома мажбуриятимизни бажарамиз. Бунинг учун 85 та комбайн, 25 та жатка бир меъёрда ишламоқда.

Ҳозир йиллик режанинг 4-4,5 фоизи миқдорида шоли тайёрлашга эришилмоқда.

Барча гуруҳларда комбайнчилар, шоли ташиётган транспорт ҳайдовчилари учун иссиқ овқатлар ташкил қилинган. Мусобақа ғолиблари ҳар беш кунда пул ва қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланади. Мана шуларнинг ҳаммаси шоли ўриш ишларини уюшқоқлик билан сифатли ўтказишга замин яратмоқда.

**Р. РАҲИМОВ.**

ШАРҲ

## ОЗАРБОЙЖОНДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

Ўтган якшанба — 11 октябрь куни Озарбойжонда Президент сайлови бўлиб ўтди. Тадбирда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси, Европа Кенгашининг Парламент Ассамблеяси сингари талай нуфузли халқаро ташкилотлардан 200 дан ортиқ кузатувчи иштирок этди. Бу сайловнинг нечоғли ҳаққоний ва қонун талабларига мос ўтишини кузатиш билан бирга, мамлакатда демократия тамойилларининг қай даражада қарор топганини ўрганиш мақсадида қилинган иш, дейиш мумкин. Чунки сайловолди курашлар жараёнида амалдаги Президент Ҳайдар Алиевнинг мухолифлари тайёргарлик жараёнидан кўнгли тўлмаётганини сабаб қилиб, тадбирни тўхтатишга уриниб кўрди. Лекин олинган дастлабки маълумотлардан кўриниб турибдики, сайлов қонунда кўрсатилган тартибда, барча талабларга жавоб берадиган тарзда ўтган.

Аммо бевосита сайлов натижаларига ўтишдан аввал Озарбойжонда бу борадаги қонунчилик қандай экани ҳақида тўхталиш жоиздир. Мамлакат Конституциясига кўра, ёши 35 дан юқори бўлган, Озарбойжонда камида ўн йил истиқомат қилган, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган олий маълумотли фуқаро президентлик сайловига ўз номзодини қўйиши мумкин. Тадбирда сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг камида 25 фоизи қатнашиши шарт. Иштирок этган сайловчилардан учдан икки қисмининг овозини олган номзод ғолиб саналади ва беш йил муддатга президентлик лавозимини эгаллайди. Мамлакатнинг ҳозирги Президенти Ҳайдар Алиев 1993 йилдан буён мамлакатни бошқариб келади. У бу галги сайловга ҳам ўз номзодини қўйган эди. Тадбирда ундан ташқари, Миллий мустақиллик партияси раиси Эътибор Мамедов, Сиёсий қатағон қурбонлари уюшмаси президенти Ашраф Мехтиев, Озарбойжон коммунистик партияси раиси Фирудин Ҳасанов, “Мустақил Озарбойжон” партияси раиси Низомий Сулаймонов ҳам номзод сифатида иштирок этди. Маълумотларга қараганда, бу номзодларнинг кўпчилиги ҳукуматга маълум маънода хайрихоҳ сиёсий ташкилотлар вакиллари саналади. Мухолифатчилар сайловнинг демократик бўлмаслигини айтиб, ўз номзодини илгари суришдан бош тортди.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, сайлов арафасида Озарбойжонда оммавий сўровлар ўтказилди ва уларнинг кўпчилиги қарийб бир хил натижани кўрсатди. Яъни сўровларда иштирок этганларнинг ўртача етмиш фоизи амалдаги Президентнинг номзодини қўллаб-қувватлаяжагини айтган. Зотан, сайловчилар билан учрашувларда Ҳайдар Алиев ўзи тутган йўлда собит қолажагини, беш йил бурун бошланган ислоҳотлар, демократик янгиланишлар давом эттирилишини, Озарбойжон-Арманистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишга эришажагини кўп бор таъкидлаганди. Қолаверса, сайлов арафасида Президентнинг котибияти Ҳ.Алиев бошчилик қила бошлаганидан буён - беш йил мобайнида республикада қандай ютуқлар қўлга киритилгани тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиб турди. Бу маълумотларга кўра, инфляция даражаси 1994 йилда 1800 фоизни ташкил қилган бўлса, бу йил қарийб 0 га тушган. Миллий валюта - манатнинг АҚШ долларига нисбатан қиймати мана бир йилдирки, 3850-3900 атрофида. Ўтган давр ичида Озарбойжон дунёнинг энг йирик нефть корпорацияларидан 15 таси билан шартнома имзолаган. Бу ҳужжатлар мамлакатга икки миллиард доллар миқдорида сармоя киришини таъминлади. Яқин келажакда бу борадаги сармоя миқдори 40 миллиардга чиқиши кутилмоқда. Яна бир эътиборга молик томони шуки, эълон қилинган статистик маълумотларга кўра, Озарбойжоннинг валюта захираси 500 миллион АҚШ долларига етган. Ваҳоланки, Ҳ.Алиев президентлик лавозимини эгаллаган пайтда мамлакат оғир иқтисодий аҳволда қолган ва хазинада эса 2 миллион доллар бор эди, холос.

Энди бевосита сайлов натижаларига келсак. Гарчи Марказий сайлов комиссияси натижаси расман 15 октябрь куни эълон қилинишини билдирган бўлса-да, олинаётган хабарларга кўра, Ҳ.Алиев 75 фоиз сайловчининг овозини олишга муваффақ бўлган. Бу унга яна беш йиллик муддатга президентлик лавозимини эгаллаш ҳуқуқини беради. Қолган номзодларни сайловда иштирок этганларнинг 20 фоизи қўллаб-қувватлаган. Тадбирда сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг саксон фоизга яқини иштирок этган. Сайлов бўлиб ўтди, деб ҳисоблаш учун бу рақам кифоя қилади.

Шундай қилиб, Озарбойжонда Президент сайлови бўлиб ўтди ва ҳали расман тасдиқланмаган бўлса-да, унда Ҳайдар Алиев ғолиб чиқди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**






*Нишон тумани деҳқонлари жорий йилда 22420 гектар ерга барака уруғи қадаб 49400 тонна ҳосил учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Улар ҳосилнинг асосий қисмини зангори кемаларда териб олиш мақсадида туман далаларида 272 та пахта терим машинасини ишга туширдилар. Айни кунларда туманнинг барча хўжаликларида пахта йиғим-терими мавсуми уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Хусусан, А. Қодирий номли жамоа ширкат хўжалиги далаларида 26 та терим машинаси ишлаб турибди. Бу техниклардан бештаси АҚШда чиқарилган «Кейс-2022» бўлиб хўжалик деҳқонларининг оғирини енгиллаштирмоқда. Хўжаликда ҳар гектар ердан 21 центнердан пахта ҳосили кўтариш кўзда тутилган.*

**СУРАТЛАРДА: илғор механизатор Баҳодир Эргашев, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ўрол Болтаев ҳамда хўжалик раиси Ботир Жўраев; ҳали далаларда ҳосил мўл.**

**А. ПАРДАЕВ олган суратлар.**

## ПУЛЛАРИ ТЎЙГА БУЮРСИН

Навбаҳор туманидаги «Янгиқўрғон» жамоа хўжалиги теримчиси Муҳаббат Расулова ҳозиргача терган пахтаси учун нақд 37 минг 500 сўм олди. Ўзингиз ҳисоблаб кўринг, Муҳаббат мавсум давомида 7 тонна пахта териб қўйипти. Яна мавсум охиригача 3 тоннани ёки 15 минг сўмни кўзлаб турибди. Унинг ҳамқишлоқлари — Очиловлар оиласи пахта териб, ҳозиргача 76 минг сўмга эга бўлди. Оила бошлиғи Исроил ака мен эркак кишиман, деб қараб тургани йўқ. Турмуш ўртоғи Хосият опа ва яна 4 фарзандига намуна бўлмоқда.

Хўжалик заршунослари ана шундай юзлаб теримчилар ғайрати туфайли пахта тайёрлаш давлат буюртмасини Навоий вилоятида биринчилар қаторида уддаладилар. 903 гектар майдондан 2803 тонна қимматли саноат хомашёси йиғиштириб олинди. Хўжалик раҳбари Фармон Мансуровнинг таъкидлашича, пахтакорлар яна камида 350 тонна ҳосил йиғиштириб оладилар. Омадни қаранг, хўжаликка фақат пахтанинг ўзидан 15 миллион сўм соф фойда келиб тушади. Хўжалик тўлиқ газлаштирилган, тоза ичимлик суви билан ҳамма қишлоқларни таъминлаш охирига етказиляпти.

Бу пулнинг 50 фоизи хўжалик аъзоларининг ҳамёнини қаппайтиради. Йил бўйи янгиқўрғонликлар хонадонидан тўй-ҳашамлар, ўйин-кулгилар аримайди.

**П. ЖУМАЕВ.**

